

Ободлик йўлида ҳашар



Термиз тумани ҳудудидан ўтган М41 халқаро автомагистрал йўли бўйлаб ташкилот, корхона ва муассасалар, волонтерлар, кўнгилли жамоатчилик вакиллари иштирокида ҳашар ташкил этилди.

Йўлбўйида жойлашган турар ва нотурар жойлар, яшил майдонлар, ижтимоий соҳа объектлари ҳудудларида тозалик ишлари олиб борилмоқда. Ҳудуд бўйлаб чиқиндиларни олиб чиқиш, дарахтларни буташ, оқлаш каби ишлар давом эттирилиляпти.

Шу ўринда ҳудуд аҳолисидан мазкур ҳашарда фаоллик кўрсатиб, ўзларининг маҳалла ва кўчалари, хонадонлари атрофларини тозалашда кўмаклашишларини сўраймиз.